# ОҚ ОЛТИНДАН ТОҒЛАР ЯРАТГАН ПАХТАКОР, ҚАНДИНГНИ УР!

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли фермерлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳаракатлантирувчи қудратли куч бўлиб қолди.***

## ФЕРМЕР

### қишлоқда қудратли куч

Мулк шакли ўзгариб, ер ўз эгасини топди. Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтган йили Қорақалпоғистонда 31 та ширкат 789 та фермер хўжаликларига айлантирилди. Жорий йилда 40 та ширкат хўжалиги тўла фермерликка ўтказилиб, 251,1 минг гектар ер ажратиб берилди. Айни пайтда Оролбўйида 7 мингга яқин фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаяпти. Мулкдорларга берилган 320 минг гектар ернинг 194,2 минг гектари суғориладиган майдонлардир.

Пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган Амударё туманида биринчи бўлиб тўлиқ фермерликка ўтилди. Ҳозирги пайтда 13700 гектар ер 553 та фермер тасарруфида. 500 дан ортиқ фермер шартнома режасини ошириб уддалади. Энг асосийси йил якунида пахтачиликнинг ўзидан 2,5 миллиард сўм соф фойда олинди. Бунинг натижасида деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги ошиб, оилавий бюджети мустаҳкамланди.

- Агар деҳқонга эркинлик берилса, у ўз ери хўжайинига айланиб, меҳнати маҳсулидан манфаатдор бўлса, ҳеч қандай мажбурият ва даъватларсиз астойдил тер тўкиб мўл ҳосил олади, - дейди 13 йиллик фермерлик тажрибасига эга бўлган Ибодулла Хўжаметов. — Кам меҳнат ва маблағ сарфлаб кўп, арзон ва сифатли маҳсулот етиштираяпмиз.

Тажрибали зироатчи раҳбарлик қилаётган «Сапохўжа бобо» фермер хўжалигида 107 тонннна ўрнига 215 тонна «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Жамоанинг меҳнати муносиб тақдирланиб, «Нексия» ва «Дамас» автомашиналари мукофотга берилди.

«Шуҳрат» медали билан тақдирланган И.Хўжаметов жорий йил йиғим-теримини уюшқоқлик билан давом эттирмоқда. Яна бир эътиборли томони шундаки, топилган даромад хайр-саховатли ишларга сарфланаяпти. Овулдаги ўндан ортиқ кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 44-умумтаълим мактаби таъмирланиб, янги ўқув йилига барвақт тайёрланди. Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашга 3 миллион сўм маблағ сарфланди.



- Амалга оширилаётган ислоҳотлар деҳқоннинг қаддини ростлаши, ҳуқуқларини кафолатлашга, ер ва деҳқон муносабатларини қайта қуришга қаратилган, - суҳбатни давом эттирди «Ўзбекистон» бирлашмаси ҳудудида жойлашган «Нуримбобо» фермер хўжалиги раҳбари Самандар Нуримов. - Ер ўзингники бўлиб, даромаду буромад, фойда кўрганингдан кейин жон койитиб, меҳнат қилар экансан.

20 нафар овулдошларни бирлаштирган кичик жамоа чорвачиликка ихтисослашган. 223 бош қорамол парваришланаяпти. Ҳозирга қадар 2 тонна гўшт, 6 тонна сут етиштирилди. Ишлаб топилган даромад ҳисобидан трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олинди.

«Дўсат» фермер хўжалиги бошлиғи Озодбой Сейитов 9,5 гектарга буғдой, 53 гектар майдонга пахта етиштириб, шартнома режаларини ошириб бажарди. Янги услубнинг самарасини «Хоразм» фермерлар уюшмаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Йиғим-теримни намунали ташкил этган миришкорлар 1300 гектар майдондаги пахтадан катта хирмон яратди. Далада ишлаётганларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилди. Оролбўйининг Қораўзак туманидаги «Бойбўра», «Бойтерак», «Тажим ота», «Оқ олтин», «Асқар», Қўнғиротдаги «Дарминкўл ота», «Гўзалқурол», Тахтакўпирдаги «Қувониш», «Жайхун», Чимбойдаги «Жаҳсилик» каби фермер хўжаликларида ҳам йиғимтерим суръати сўнгани йўқ. Дала меҳнаткашларига ғамхўрлик кучайтирилганлиги, илғорлар рағбатлантириб борилаётганлиги, иш ҳақи вақтида тарқатилаётганлиги муваффақиятни таъминлади.

«Пахтабанк»нинг Қорақалпоғистон бўлими томонидан фермерларга 1,5 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди. Кегайли туманидаги «Болтали», Чимбойдаги «Оқтагин» фермер хўжаликлари лизинг шартномаси асосида хайдов тракторлари сотиб олдилар.

Жорий йилда пахта ҳосили учун 2713 та, ғалла учун 1793 та фермер хўжаликлари билан кредит шартномалари тузилди. Пахта етиштириш билан шуғулланаётган 2703 та қишлоқ хўжалик корхонасига 6 миллиард 757 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Оролбўйи далаларида фермерчилик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Ишлаб топилган маблағ, кўрилган фойда аҳоли турмуш тарзи, яшаш шароитларини яхшилашга сарфланмоқда.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Пахтазорни оралаган сари, Тўхтасин аканинг қулфи-дили очилиб борарди. Меҳнат мўъжизалар яратишга қодир эканлигига ич-ичидан ишонч ҳосил қиларди. Чунки, баҳорда пушталарга ташланган сара уруғ бугун чаноқларда «оқ олтин»га айланиб, ҳосилини кўз-кўз қилмоқда. Гўё пайкалларга минглаб юлдузлар сочилгандек, саратон қуёши тиғида кумушдек товланади.***



## ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАР МЕВАСИ

Фермернинг, айниқса, теримчилар ҳимматидан боши осмонда. Пахта хирмони соат сайин юксалиб бормоқда. Теримчи Фотимахон Қодирова биринчи беш кунликнинг ўзида 20 минг сўмдан ошириб даромад қилди. Иккинчи беш кунликда эса унинг терган пахтаси бир тоннага етди.

Шу пайт рўпарада тўхтаган «Дамас» машинасидан тушиб келаётган меҳмонлар Тўхтасин аканинг хаёлини бўлди. Улар Хўжаобод туман фермерлар вакиллиги раҳбари Имомберди Абдуллаев, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Адҳамжон Аҳмаджоновлар эди.

– Хирмонга барака, - дея Тўхтасин ака билан кўришди А. Аҳмаджонов. – Куни-кеча ҳокимликда ширкат ва фермер хўжаликлари ўртасида кейинги ўн кунликда пахта йиғим-терimининг бориши кўриб чиқилди. Якунга кўра, сиз раҳбарлик қилаётган «Зарнигор» фермер хўжалиги ғолиблар қаторидан жой олди.

Меҳмонлар йиғим-терим пешқадамларини рағбатлантириб бориш тўғрисида ҳокимлик билан туман тармоқ касаба уюшмалари вакиллигининг қўшма қарори эълон қилингани, мавсум якунида ғолиблар пойтахтдаги сиҳатгоҳларда бепул дам олдирилиши, шу мақсадда ҳар бири 150 минг сўмдан 6 та текин йўлланмалар ажратилганлиги ҳақидаги хушхабарни етказдилар.

Ҳозирги кунда фермер 22 гектар ерда деҳқончилик қилаётир. Жорий йилда 45 тонна хомашё тайёрламоқчи.

Тўхтасин ака меҳмонлар билан биргалашиб ҳисоб-китобга киришди. Сўнгра қаршисидаги оқ бодроқдек очилиб ётган пахтазорга ишора қилди:

– Бу йил пахта йили бўлди. Ҳали далаларда ҳосил мўл. Қўшимча 5 тонна «оқ олтин» топшириш мўлжалда бор.

Хуллас, фермер жорий йилда пахтачиликдан 13 миллион сўмлик даромад кутилаётганлиги, шундан 5 миллион сўми соф даромад эканлигини хомчўт қилди. Меҳмонлар ишловчиларнинг меҳнат ва маиший шароитлари билан қизиқдилар. Иш ҳақи ҳар беш кунда тарозининг устида ҳисоб-китоб қилинаётганлиги, бепул тушлик ташкил этилганлиги маълум бўлди. Бу борада туман «Пахтабанк» жамоасининг аҳамияти катта бўлаётир. Банк ғазначилари хирмонда ҳозир бўлиб, ишловчиларга маош тарқатаяптилар. Тушликдаги дам олиш соатларида пахтани нес-нобуд қилмаслик, толанинг сифати, иш унуми ҳақида суҳбатлар ўтказилаяпти.

Хўжалик 2002 йили ҳокимлик қарори билан таъсис этилган. Ўтган йили паст рентабелли, иқтисодий ночор хўжаликлар қаторида «Иттифоқ» ширкат хўжалиги ҳам тугатилганди. «Зарнигор» фермер хўжалиги ҳам танлов асосида қўшимча 12 гектар ер майдонига эга бўлди. 4 гектар ерга экилган буғдойнинг «Крошка» навидан 14 тоннага яқин ғалла йиғиштириб олиниб, шартномавий топшириқ ортиғи билан уддаланди. Шартномадан ошган 7 тонна «қирмизи дон» ишловчиларга берилди. Ғалладан 700 минг сўмлик соф даромад оила бюджетига кирим бўлди. Ўтган йили фермерлик аъзоларидан 2 нафар ишловчи вилоятнинг Марҳамат туманидаги оромгоҳда мароқли ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини тиклади.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Ховос туманидаги «Сайхун» фермер хўжалиги қошида чорвачилик фермаси ҳам ташкил этилди. Суяги деҳқончиликда қотган Сулаймон фермер бу соҳада ҳам ўзини синаб кўрмоқчи бўлди. Бир йўла эллик бош қорамол, 150 бош қўй, анчагина товуқ сотиб олди.***

## ТОЛЕИ БАЛАНД КИШИЛАР

Мустақиллик Сулаймон Йўлдошев сингари ишбилармон, тажрибали деҳқонлар учун катта имконият яратиб берди. Оила аъзолари билан кенгашиб фермер хўжалиги ташкил этганига, унга «Сайхун» деб ном берганига ҳам мана ўн йил бўляпти. 238 гектар ери бор. Трактор, тиркама, культиватор дегандек ўндан ортиқ техникага эга...

Бу йил 100 гектар майдонда ғалла, 92 гектар ерда ғўза парваришлаган фермер давлатга 140 тонна буғдой сотди. 74 тонна донни хўжалик аъзоларига тақсимлаб берди. Шу кунларда ҳосилдорликни 25 центнерга етказишга аҳд қилган фермер йиғим-теримга зўр бермоқда.



Хўжаликнинг 38 гектар майдонида беда, етти гектар ерда маккажўхори, сабзавот ва полиз экинлари ҳам парваришланмоқда. Тажрибали деҳқон мазкур шўрланган ҳудудда ҳам дурустгина боғ яратиш мумкинлигини исботлаб берди. Унинг етти гектарлик боғида шафтоли, ўрик, беҳи, хурмо дарахтлари айни ҳосилга кирган пайт.

Мутахассислар фикрига кўра, тут дарахти ернинг шўрини камайтирар экан. Шу боисдан фермер бир гектар ерда тутзор ҳам барпо этди. Наманган вилоятининг Чортоқ туманидан олиб келинган сарҳил тут кўчатлари хўжаликда пиллачиликни ривожлантиришда жуда қўл келяпти.

Ўз меҳнати билан ризқ-рўз, маъмурчилик яратиш йўлида меҳнат қилаётган Сулаймон аканинг умр йўлдоши Хосият опа, фарзандлари Баҳодир, Алишер, Худойберди, Норгуллар унга қўш қанот бўлиб, хўжаликнинг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.



## БУ ШОДИЁНА ҲАММАМИЗНИКИ

***Тошкент вилоятида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари қизғин давом этмоқда. Учта туман, шунингдек, бир қатор ширкат ва фермер хўжаликлари давлатга пахта сотиш шартнома режасини уддалади.***

Қуйи Чирчиқ туманининг «Дўстлик» ширкат хўжалиги аъзолари бу йил давлатга 1800 тонадан ортиқ пахта сотиб, режани туманда биринчи бўлиб адо этди. Жорий йилда улар биргина пахтанинг ўзидан 700 миллион сўмдан ортиқ даромад олишни кўзламоқда.

- Мавсумга кўрилган пухта тайёргарлик ҳосилни ёғинсочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб олиш имконини берди, - дейди хўжалик раҳбари Мурод Турогилов. - Ўндан ортиқ трактор, йигирмата тиркама ва бошқа техника воситаларидан унумли фойдаланяпмиз. Натижада терилаётган ҳосил пешма-пеш қабул масканларига етказиб берилмоқда. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори сортларга топширилаётир. Режа бажарилган бўлса-да, етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам қолдирмай йиғиб-териб оламиз.

- Жорий йил йиғим-терим мавсумининг уюшқоқлик билан ўтишида терилган пахта учун ҳисоб-китоб ҳар куни дала бошида амалга оширилаётганлиги муҳим омил бўлди, - дейди хўжалик аъзоси Гулчеҳра Иброҳимова. - Бундан ташқари, илғор теримчиларнинг рағбатлантириб борилаётгани ҳам кучимизга куч қўшмоқда. Мавсум бошидан бери ўзим тўрт тоннадан кўпроқ пахта тердим.

### Рағбат

***Пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишда деҳқонга камарбаста бўлаётганимиздан қувончимизнинг чеки йўқ.***

## МУКОФОТ ЯХШИЛИККА БУЮРСИН

Талабалар кучи билан мавсумда 200 тонналик хирмон яратишга аҳд қилганмиз. «Гулистон» муқобил машина трактор парки далаларида пахта тераётган 300 нафар талабанинг бугунгача уйган хирмони 150 тоннадан ошиб кетди.

Молия ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-босқич талабаси Феруза Соиповага маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитасининг мукофоти –. гилам топширилган бўлса, Матлуба Абдурайимова,



Бегали Менглиев, Алишер Бердиев сингари талабалар кунлик теримда пешқадамлик қилишаётир.

Дала шийпонида ҳашарчиларимиз учун барча шароитлар яратилган. Шинам хоналар, тиббий, маданий-маиший хизматлар самарали меҳнат учун омил бўлмоқда. Шифокор Мусо Нормуродов талабалар соғлигини муҳофаза қилса, ошпаз Умида Абдуллаеванинг тайёрлаган таомлари талабаларга хуш ёқмоқда. Терим пули банк ходимларининг кўмаги билан даланинг ўзига етказиб берилмоқда. Бу эса терим суръатини оширибгина қолмай, ҳашарчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга хизмат қилаяпти. Усмон Ғойибназаров, Бахтиёр Муродов, Нурали Янгибоев, Дилноза Мирзақулова сингари мураббийлар ёшларга мададкор бўлмоқдалар.

Етиштирилган ҳосилни сифатли қабул қилишда пахта тайёрлаш масканлари хизмати катта. Бу йил Нишон пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти маъмурияти тумандаги 1900 нафар фермер билан шартнома тузган. Ҳозир тумандаги 6 та пахта қабул қилиш масканида иш бир маромда ташкил этилган. Бугунгача фермерларнинг кўпчилиги шартнома режасини бажарди.

**Иброҳим ОЧИЛОВ,**
**етакчи мутахассис**

***Уйчи туманидаги А.Мўминов номли ширкат хўжалиги Наманган шаҳрининг шундоққина биқинида жойлашган. Шу боис, бу ерда истиқомат қилувчиларнинг кўпчилиги шаҳарда ишлашади. Лекин ширкатнинг гуллаб-яшнашига азму қарор қилганлар ҳам анчагина.***

### Шахсий ибрат кучи

## АСОСИЙ ҲОСИЛ

### юқори навга

Хўжалик кейинги йилларда ҳамма соҳалардаги режаларини ортиғи билан бажариб келмоқда. Бу йил ҳам шундай бўлди. 6 октябр куни нафақат туманда, балки вилоятда биринчилардан бўлиб давлатга пахта сотиш режасини уддалади.

Ширкат аъзолари эрта баҳордан 422 гектар ерга эртапишар ва серҳосил чигит қадашиб, ғўзани агротехника қоидалари асосида парваришладилар. Натижада ҳар гектар майдондан 31,9 центнер пахта ҳосили олиниб, қабул пунктларига 1347 тонна «оқ олтин» топширилди. Етиштирилган ҳосилнинг 86 фоизи биринчи навга топширилди. 30 фоизи, яъни 400 тоннаси уруғликни ташкил этди. Пахтачиликнинг ўзидан 418 миллион сўм даромад қилинди.

Бу улкан хирмонни яратишда бош пудратчилардан Икромжон Турсунов, Ҳошимжон Усмонов, Жалолиддин Ғаффоров, механизаторлардан Ҳошимжон Пирматов, Адҳамжон Пирматов, Тоҳиржон Қамбаров, сувчилардан Каримжон Акромов, Маҳаммадали Юнусов, Сайфиддин Муҳиддинов, пудратчилардан Моҳирахон Юсупова, Моҳирахон Усмонова, Анисахон Солиеваларнинг ҳиссалари катта бўлди. Улар эрта баҳордан сидқидилдан меҳнат қилиб, зиммаларига олган мажбуриятларини аъло даражада бажардилар. Шунингдек, режани барвақт бажаришимизда ҳашарчиларимиз ҳам ўз улушларини қўшишди. Мавсум охиригача яна 100 тонна пахта териб, ҳосилдорликни 34,5 центнерга етказмоқчимиз. Чунки ҳали пахта далаларимизда ҳосил бор.

Хўш, бундай муваффақиятга қандай эришилди? Биринчидан, ширкатда теримчилар ва ҳашарчиларга ишлаш учун барча шароит яратиб берилди. Хўжаликда 10 та дала шийпони бўлиб, жорий йилда ҳаммаси таъмирланди. Улар қаттиқ ва юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган. Маънавият ва маърифат хоналарида кундалик матбуот нашрлари, бадиий китоблар мавжуд. Ширкат аъзолари ва ҳашарчиларига хўжалик ҳисобидан бир марта иссиқ овқат ташкил этилди. Бунда асосан дала шийпонларидаги ёрдамчи хўжаликлардан фойдаланилмоқда. Бу ерлардаги экилган сабзавот ва мевалар тушликка ишлатилмоқда. Ҳатто шийпонларда сигир ва товуқлар боқилмоқда. Бунинг натижасида бу ерда меҳнат қилаётганлар сут, қатиқ, тухум, парҳез гўшт билан таъминланмоқда.

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан теримчилар ҳар беш кунда ўз ҳақини олиб турибди. Масалан, биринчи беш кунликда уларга «Пахтабанк»нинг Уйчи туман бўлими ходимлари томонидан 3 миллион 261 минг 948 сўм тарқатилди. Иккинчи беш кунликда эса бу рақам 11 миллион 477 минг 690 сўмни ташкил этди.

6-бош пудрат аъзоси Зоҳидахон Отабоева оиласи билан 10 иш кунида 2 гектар майдондаги пахтани териб берди. Улар 6 тонна хирмон уюшиб, 270 минг сўмга яқин даромад қилишди. Ўзим оилам билан 6,5 тонна «оқ олтин» уйдим. Даромад оилам корига яради. Хўжалик ўтган йили ғаллачиликдан 40 миллион, пахтачиликдан 100 миллион сўм фойда олди. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан шунинг 6 миллион 820 минг сўми ишловчилар, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланди. Ишловчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Улар нафақат йиғим- терим чоғида, балки бутун ёзи билан иссиқ овқат билан таъминланди. Бунга 2 миллион 200 минг сўм ажратилди. 2 нафар боқувчисини йўқотган аёлга уй қуриб берилди.

Бу ерда ишчиларнинг маоши ўз вақтида бериб борилиши йўлга қўйилган. Меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда мусобақалар уюштирилди. Ғолибларни рағбатлантиришга 10 миллион 610 минг сўм йўналтирилди. 35 нафар ишчи бепул сиҳатгоҳларга юборилиб, соғлиқлари тикланди. 45 нафар меҳнаткаш фарзандлари «Хумо» болалар оромгоҳида дам олдирилди. Ҳудуддаги 5 та боғча, 8 та мактаб ва 40-интернатга дарсликлар ҳамда турли жиҳозлар олиб борилди. Масалан, 4-умумтаълим ва юқоридаги интернатга компьютер совға қилинди. Мактабгача таълим муассасаларида кам таъминланган оилаларнинг 32 нафар фарзанди хўжалик ҳисобидан тарбияланмоқда. Болалар спортини ривожлантириш учун 2 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Бу йил ҳам бундай хайрли ишлар янада кенгайтирилиб, ногирон, ёрдамга муҳтож, меҳнат фахрийларига меҳр-мурувват кўрсатилмоқда.

**Моҳира ЮСУПОВА,**
**оилавий пудрат аъзоси**

Республика кўчмас мулк биржаси тизими ва "Kim oshdi savdolari agentligi"да 2005 йил 12 - 30 сентябр кунлари давомида ташкил этилган савдолар якунлари

| № | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4 | Давлат рақами 12-11 фк бўлган Т-28х4 русумли трактор | 64,00 | 22.09.05 | |
| 5 | Давлат рақами 15-40 фк бўлган Т-28х4 русумли трактор | 75,50 | 22.09.05 | |
| 6 | Давлат рақами 15-01 фк бўлган Т-28х4 русумли трактор | 75,50 | 22.09.05 | |
| 7 | Давлат рақами 23АС654 бўлган Газ-52 МТП-187 русумли автоулов | 187,00 | 22.09.05 | |
| 8 | Давлат рақами 23АС653 бўлган Зил-431610 русумли автоулов | 167,50 | 22.09.05 | |
| | "Kim oshdi savdolari agentligi" | | | |
| 1 | Камаз-54112 русумли давлат рақами 10 AR838 бўлган автоулов | 5340,00 | 22.09.05 | |
| 2 | Камаз-54112 русумли давлат рақами 10 AY 672 бўлган автоулов | 7500,00 | 22.09.05 | |
| 3 | ДЭУ Принц русумли давлат рақами 10 ВВ 271 бўлган автоулов | 2530,00 | 22.09.05 | |

***Самарқанд шаҳридаги «Сино» акционерлик жамияти кейинги йилларда ўзининг сифатли маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорда харидорлар эътиборини тортмоқда. Корхона бундай натижага осонликча эришгани йўқ. Хомашё четдан келтирилгани, мавжуд технология ва ускуналар эскиргани боис собиқ холодильник заводида ишлаб чиқариш деярли тўхтаган эди.***

# «СИНО»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Ана шундай шароитда Самарқанддаги «Парвина» хусусий компанияси заводни таназзул ботқоғидан олиб чиқишни ўз зиммасига олди. Даставвал, «Парвинабанк»дан «Сино» корхонаси учун 210 миллион сўм кредит ажратилди. «Парвина» компанияси ва «Парвина-М» корхонаси заводни малакали мутахасислар билан таъминлашга киришди. «Парвина-қурувчи» хусусий корхонаси собиқ завод цехларини таъмирлаш ва қайта қуриш ишларини амалга оширди. «Мўмин-М» корхонаси эса совутгичлар учун бутловчи қисмлар ва хомашё келтириш билан шуғулланди.

- Собиқ корхонанинг қарзлари, эскириб кетган цехлар ва ускуналар бошда анча қийинчилик туғдирди, - дейди «Сино» корхонаси раҳбари Абдурашид Абдусаломов. - Шунга қарамай, ишлаб чиқаришни кучайтиришга зўр бердик.

Қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида 2003 йилнинг июнь ойида корхона конвейерларидан маҳсулот чиқа бошлади. Лекин улар бугунги кун талабига мос, хорижий маҳсулотлар билан беллаша оладиган совутгичлар эмасди. Бозорни ўрганиш, хорижликлар билан ҳамкорлик қилиш учун замонавий совутгичлар ишлаб чиқариш лозим эди.

Шу мақсадда 2003 йилда хитойлик ва италиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда замонавий асбоб-ускуна ва технологиялар келтирилди. 2004 йилнинг февралидан корхонада икки камерали замонавий совутгичлар тайёрлана бошланди.

- Янги совутгичларнинг эскиларидан асосий афзаллиги электр энергиясини бир неча баробар тежашидир,- дейди корхона раҳбарининг ўринбосари Ўктам Облақулов.- Дизайни чиройли, шовқинсиз ишлайди ва нархи хорижникидан бирмунча арзон.

Ҳозир корхонада ўн саккиз турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, иссиқ-совуқ берадиган «Сплет» системасидаги кондиционерлар ҳам тайёрланмоқда.

Корхонада поливинилхлориддан фойдаланиш кенг йўлга қуйилгани маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан кенг фойдаланиш имконини бермоқда. Яъни, поливинилхлорид корхонанинг ўзида хомашёга айлантирилиб, ундан металл ўрнида фойдаланиляпти. Совутгичлар ойнаси ҳам маҳаллий шароитда тайёрланмоқда. Умуман олганда, корхонада 80 фоиз маҳаллий хомашёдан фойдаланилмоқда.

*Шарҳловчи минбари*

# «ҚОРА ОЛТИН»ГА ТАЛАБ ЯНА ОРТАДИМИ?

Дунё бозорида нефт нархи яна оша бошлади. Чоршанба куни Нью-Йорк хомашё биржасида ўтган савдода унинг 1 баррели 82 центга қимматлашиб, 62,67 АҚШ долларига баҳоланди. Лондон биржасида эса «Брэнт» туридаги нефтнинг нархи 59,5 долларни ташкил этди.

«Ассошиэйтед Пресс» ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, углеводородли ёнилғи бозоридаги вазиятнинг бу тарзда ўзгаришига 2005 йилнинг тўртинчи чораги учун Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА) томонидан тайёрланган маълумотлар сабаб бўлган. Унда кўрсатилишича, айни вақтда нефтга талаб камаётгани вақтинчалик ҳолат, яқин ойларда у кескин кўтарилади, ёнилғи маҳсулотлари етказиб берувчиларнинг имкониятлари эса чеклана бошлайди.

ХЭА вакиллари жорий йилнинг сўнгги 3 ойида «қора олтин»га кунлик талаб 85,5 миллион баррелни ташкил этишини, ОПЕК аъзоси бўлмаган давлатлардан ушбу маҳсулотни етказиб бериш эса 900 минг баррелга қисқаришини тахмин қилаётир. Энергия манбаларининг қимматлашуви давом этади, дейилади ташкилот ҳисоботида.

Россиялик мутахассислар эса, аксинча, нефт арзонлашади, деб ҳисобламоқда. Уларнинг фикрича, ХЭА башоратларидан сўнг жаҳон бозорида ёнилғининг қимматлашгани вақтинчалик жараёндир.

Агентлик ўз маълумотларини тайёрлашда дунё мамлакатларидаги нефтни қайта ишлаш тармоқлари имкониятларини ўрганиб чиқишда олинган тажрибага таянган. Таҳлил натижаларига қараганда, улар ҳозир мавжуд қувватда ишлайверса, қиш ойларига бориб ёнилғи танқислиги юзага келиши эҳтимолдан холи эмас.

**(ЎзА)**

## «Шуҳрат» медали соҳиби

**Шу кун вилоят халқ таълими бошқармаси тасаррýфидаги 5-Китоб меҳрибонлик уйидаги тантана кўпчиликнинг эсида қоларли бўлди. Меҳрибонлик уйи директори Тоштемир Сатторов республика халқ таълими вазири имзоси билан йўлланган табрик телеграммасини ўқиб берди. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

# МЕҲРИБОНЛИК УЙИ МЕҲРИБОНИ

«Сизни Ўзбекистон Республикасининг юксак мукофотига сазовор бўлганлигингиз ҳамда Истиқлолимизнинг 14 йиллиги байрами ва янги ўқув йили бошланиши билан чин қалбимдан табриклайман.

Ушбу мукофот ёш авлодни камол топтириш, Ватанимиз салоҳиятини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссангиз ва кўп йиллик фидокорона меҳнатингизга берилган юксак баҳо ҳамда Республика раҳбарияти томонидан Сизга билдирилган катта ишончдир. Сизга соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт, юртимизнинг тинчлиги, фаровонлиги ҳамда фарзандларимизнинг келажаги йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман».



Тожинор Зайниева ёшлигида шу Меҳрибонлик уйида тарбияланиб, камолга етган. У 6 ёшлигидаёқ ота-она меҳридан бенасиб бўлиб, шу ердан қўним топди. Вояга етгач, илм олиб яна қадрдон гўшасида ишлай бошлади. 20 йилдирки Тожинор Зайниева ёшларга мураббийлик қилиш билан бирга ота-онасиз, меҳрга муҳтож болаларни тарбияламоқда.

– Меҳрга ташна болалар қалбимга ўрнашиб қолган, – дейди опа. – Шунинг учун бўлса керак улар менга ўз фарзандимдек туюлади.

Меҳрибонлик уйи нафақат тарбия, балки ўқув масканидир. 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар таълим-тарбия олаётган гўшада барча шарт-шароитлар мавжуд.

Бу ерда ўтказилаётган тадбирлар тарбияланувчиларда катта таассурот қолдиряпти. «Кўнгил-кўнгилдан сув ичар», «Меҳр – буюк неъмат» сингари тадбирларда фаол иштирок этган болажонларга вилоят ички ишлар бошқармаси йўл-патрул хизмати бошқармаси, Китоб туман ҳокимлиги, туман прокуратураси совғасаломлар улашди. Маҳманазар Мейлибоев, Сами Қурбонов, Санжар Холмуродов каби тадбиркорлар меҳрмурувват кўрсатиб тарбияланувчиларга ҳомийлик кўрсатаяптилар.

Ёшлар орасида иқтидор эгалари талайгина. Бахтиёр Примов республика «Соғлом авлод» жамғармасининг «Камалак жилоси» расм конкурсида иштирок этиб 1-ўринни олган бўлса, Нуриддин Турсунов қимматбаҳо совғаларга муносиб топилди. «Умид ниҳоллари» спорт баҳсларида иштирок этган Зарина Хушвақтова «Каратэ-До» мусобақаларида кумуш медал билан тақдирланди. Шунингдек, Нилуфар Ашурова Тошкент шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Меҳрга ташна болаларни тарбиялашда оталиқ ташкилотларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Муборак газ конлари унитар шўъба корхонаси маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси доимий равишда ғамхўрлик кўрсатаяпти. Ёзги соғломлаштириш мавсумида «Ёш алангачи» оромгоҳи тарбияланувчилар ихтиёрига бериб қўйилди. Болаларнинг бекорчи вақтлари йўқ. Бу ерда ташкил этилган тўгараклар ҳамиша гавжум. Мусиқа, тикувчилик, пазандачилик, техника меҳнати, спорт ҳамда компьютер тўгаракларида қатнашаётган болаларнинг дунёқарашлари янада юксалмоқда. Бунда, албатта, Тожинор Зайниеванинг ҳам ўзига яраша хизмати бор.

**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

**Аёл боис қалб, кўнгил деган руҳоний, маънавий тушунчалар соҳибимиз. Инсонга хос хусусиятларни тушунамиз, англаймиз, идрок этамиз.**

**Аёл боис муҳаббат, муҳаббат боис аёл улуғланади, қадр топади. Эгизак тушунчалар, тўғрими? Аммо ўйланиб қоласан ҳам киши: дунёда аёл бўлмаса қай тарзда талқин этиларди – меҳр-муҳаббат?...**

# АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА

Онам айтган алла хотирамда мустаҳкам ўрнашган. Ҳали-ҳануз тушларимда кўраман. Ҳали-ҳануз она алласи билан сутининг таърифига сўз топа олмайман. Қадрини менгзашга ҳаддим сиғмайди. Аммо кўпчилик сингари ўзим идрок этган даражада айтаман – аёл меҳр булоғи...

Дарвоқе, она меҳри гўдак учун муҳим омил. Шу ўринда қизиқ бир тарихий воқеани келтириб ўтмоқ жоиз. XIII асрда яшаб ўтган Рим императори Фредерих болалар устидан қуйидагича тажриба ўтказган. Унинг буйруғи билан бир гуруҳ чақалоқлар туғилган заҳоти оиласи, онасидан ажратиб олиниб, бегона энагалар қўлига топширилади. Энагалар қатъий назорат остида болаларга қарай бошлашади. Улар фақат боланинг таглигини алмаштириш, овқатланиш ва чўмилтириш каби вазифаларнинг бажарилишади. Аммо бу вазифалар бажарилиши жараёнида болани эркалатиш, силаб-сийпаш қатъий маън этилган. Эрмакталаб, золим император она алласини эшитмай, унинг қўллари тафтини ҳис қилмай, унинг эркалашларини туймай ўсган гўдак қандай камол топаркин, деган саволга «жавоб» топмоқчи бўлган. Аммо аянчли фожеа юз беради: гўдакларнинг барчаси нобуд бўлади. Улар меҳрсиз яшай олмайди.

Аёл таровати – жўшқин ҳаёт манбаи, бахтиёрлик илҳомчиси. Ўзингиз ўйлаб кўринг: умрида бахт кўрмаган онадан бахтиёр бола туғилиши мумкинми?

– Бир ёшдан эндигина ўтган вақтимда дадам бизни ташлаб кетди. Беш ёшга кирган вақтим онам бечора қаттиқ касал бўлиб қолди. Ўшандан бери тирикчилик ташвиши ўзимга қолган, дейди Содиқжон исмли 8-синф ўқувчиси. Бозорда ҳар қандай юмушни қилдим, қилаяпман. – Ҳозир ойижоним бироз яхшилар. Аммо оғир юмушлар қилдирмайман. Ўзимдан кўнглим тўқ.

Пайғамбаримиздан олдин жоҳилият замонида туғилган қиз болалар тириклайин кўмилган. Ҳиндистонда Бобургача, сати одатига кўра, эри ҳалок бўлган аёллар умр йўлдошига қўшилиб, тириклайин гулханда куйдирилган. Аёллар ҳаётига зомин бўлувчи бу тарика мисоллар тарихда жуда кўп.

Нимасини яширамиз. Аёллар эркаклар билан бир қаторда оғир ишларда меҳнат қилганини ҳам кўрдик. Айниқса, қурилиш тизимида. Ҳозир ҳам уларнинг номуносиб юмушлар билан машғуллигига кўз тушса, уялиб кетасан киши.

– Энди турмуш қураётган келин-куёвларимиз эзгу ният билан шу дарвозадан ўтиб, мўътабар сиймо қаршисида бир зум ўйга толса. Қалбларидаги орзу-истаклари ҳақида ўйласа, ўзларига, ўзгаларга бахт тиласа, —деди мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида пойтахтимизда бунёд этилган эзгулик аркасини кўздан кечириш учун Мустақиллик майдонига ташриф буюрган Президентимиз. —Назаримда бу сиймо бағрида гўдагини

### Эҳтиром

босиб турган, юзида шукроналик, ҳаётга муҳаббат, ўзининг фарзандининг келажагига ишонч балқиб турган ёш ўзбек аёли – бахтли аёл шаклида бўлиши лозим. Негаки аёл бахтли бўлса, оила бахтли бўлади. Оила бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади...

Тўғри, она барча миллатларда буюк зот сифатида талқин этилади. Аммо биз ўзбекларда аёл кишига, айниқса, онага бўлган эътибор сал бошқача, анчайин баланд даражада. Бундай эътибор борган сари сайқал топаётир. Бинобарин аждодларимиз орзу қилган табаррук заминда қад ростлайдиган буюк эҳтиром иморати авлодлар руҳида мангу сақланажак.

**Илҳом КАРОМОВ**

---

## РУҲИЙ ҚУВВАТ

Мутахассисларнинг аниқлашларича, зўр эҳтирос ва самимият билан яратилган санъат асарлари ўзидан нур, биоқувват таратиб, шинавандаларга шифобахш таъсир кўрсатар экан. Айниқса, мусиқанинг инсон руҳий ҳолатига таъсири беқиёс. Зеро, буюк аллома Форобий мусиқа кишида худди атиргул ҳидидек гўзал кайфият уйғотади деса, Ибн Сино мусиқани руҳни даволовчи ишончли даво сифатида эътироф этган. Ёқимли қўшиқ куй билан бирлашганда шинаванда эътиборини тортиб, кишини чарчоғини чиқаради, мақсадга эришувига ишонч уйғотади.

---

### Футбол

**Очиғи, ғалабага олиб борувчи вариантлар ҳақида бош қотираётиб, айнан шундай бўлишидан қўрққан эдик. Афсуски, шундай ҳол юз берди. Манамада Баҳрайн ва Ўзбекистон терма жамоаларининг плей-офф доирасидаги иккинчи (аслида учинчи) учрашуви 0:0 ҳисобида якун топди. Тошкентда ўтказилган ўйинда 1:1 ҳисоби қайд этилганлиги туфайли рақиб майдонида киритилган тўпга имтиёз қўлланилиб, улоқ яна Баҳрайнга насиб этди.**

# КАТТА САБОҚ

Яна деганимизни футбол статистикаси билан шуғулланишни хуш кўрадиган мухлислар, албатта, англаб етишди. Ўтган йили Осиё чемпионатида ҳам айнан Баҳрайн термаси юртдошларимизнинг медалга бўлган иштиёқини йўққа чиқарган эди. Ўшанда асосий вақтда дуранг натижа қайд этилиб, пеналтилар сериясида рақибларимизга омад кулиб боққанди. Бу гал эса ўзга майдонда киритилган тўп асқотди уларга.

Албатта, учрашувни ярим тунда «зангори экран» қаршисида ўтириб томоша қилган ишқибозлар йигитларимиз унчалик ёмон ўйин кўрсатмаганликларини, ҳатто муайян муддатларда устунликларини намойиш этганликларини қониқиш билан эътироф қилиш учун ўзларида куч топа билсаларда, умумий натижа, умумий ҳолат, шак-шубҳасиз, кўнгилга хиралик солади.

Нега шундай бўлди? Табиийки, бу савол атрофида ҳали кўп бор баҳс-мунозараларга киришилади. Турлича фикр-мулоҳазалар билдирилиши ҳам бор гап. Фалончи ўйинчи термага жалб қилинганда, ундай ёки бундай тактика танланганда каби тахмину фаразлар айтилади. Энди бунинг фойдаси тегармикан? Аввалги сафар, Узоқ Шаркда ўтказилган Жаҳон чемпионатига боролмай қолганимиз учун россиялик мутахассис Владимир Сальковни бош айбдор қилиб, ховурдан тушган эдик. Энди кимни нишонга оламиз? Немис мутахассиси Юрген Гёденими ёхуд бирровга хизмат сафарига келган инглиз Роберт Хоугтонними?

Мағлубиятдан тегишли хулоса чиқариб, сабоқ олиш кўникмасига эга бўлмагунча ғалабага элтувчи эшиклар очилмайди. Бўлар иш бўлди. Бу ёғига ақл билан йўл тутиш даркор. Қанчалик аччиқ бўлмасин, энди терма жамоамизнинг кейинги юришларида афсонавий футболчимиз Миржалол Қосимов ёрдам беролмайди. Эҳтимолки, Шацких, Ашурматов, Алиқулов каби ўйинчиларимиз ҳам яна тўрт йилдан кейин бўладиган жаҳон чемпионатини орзу қилолмайдиган ёшга етиб қоладилар.

Беихтиёр савол туғилади: унда терма жамоада кимлар қолади? Сервер Жепаров, Александр Гейнрих, Марат Бикмоев, агар спорт формасини йўқотиб қўймаса, Илёс Зейтуллаевми?

Бундан бу ёғига нафақат ҳимоя ёки ҳужумдаги муаммолар хусусида, балки дарвозабон масаласида ҳам жиддий бош қотириш лозим бўлади. Ўзимиз кўрдик, на Поляков ва на Сафонов билдирилган ишончни оқлай олди.

Яна бир гап. Хорижда ўйнаб, катта тажриба орттирган легионер футболчиларга суяниш, уларни олдинги сафда кўришнинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. Лекин, чамаси миллий чемпионатда тўп сураётган ёшларга ҳам эътиборни қаратиш вақти етиб келганга ўхшайди. Агарки, легионерларни ўйин олди йиғини икки-уч кун қолгандагина жалб этиш мумкинлигини инобатга олинса, бу ҳам анчагина жиддий масала эканлиги ўз-ўзидан аёнлашади. Ҳар ҳолда футбол – жамоавий спорт тури. Ўзаро ҳамжиҳатликка кўп нарса боғлиқ. Бир-бирини кунда ёки тез-тез кўриб юрган футболчиларнинг майдонда тил топишиши осон кечади.

Бу эса бундан буён миллий чемпионатимизга бўлган муносабатни янада такомиллаштиришни, жамоалар ўртасидаги ҳар бир учрашув муросасиз тарзда кечишига эришишни тақозо этади. Имкон борича, кучли ва кучсиз деб аталмиш клублар ўртасидаги тафовутни минимал даражага тушириш, бир сўз билан айтганда, охир оқибат терма жамоага муносиб футболчилар кўплаб етишиб чиқиши йўлидаги изланишларнинг самарадорлигини ошириш керак.

Шубҳа йўқ, Геннадий Красницкий, Биродар Абдураимов, Юрий Пшеничников, Михаил Ан, Владимир Федоров, Миржалол Қосимов каби футбол истеъдодларининг издошлари билан тўлдирилган, кучайтирилган, шакллантирилган терма жамоагина янада юксак довонларни ошиб ўтишга қодирдир. Бунинг учун барча шарт-шароит мавжуд.

**З.РИХСИЕВ**

---

## Хабарлар оқимидан

### ИЛМИЙ КЕНГАШ ТАДБИРЛАРИ

Олий ўқув юртларининг фаолияти кенг қамровли ўқув, илмий ва қатор таълимий жараёнларни ўз ичига олади. Бунда институт ёки университетнинг олий органи бўлиб ҳисобланган илмий кенгашларнинг тутган ўрни катта, албатта.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги илмий кенгаш ҳам давр талаби асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу сафарги янги ўқув йили бошида тузилиб, ректорат томонидан тасдиқланган иш режасида таълимий ва маърифий йўналишдаги кўп масаллар ўз ифодасини топди. Бундан ташқари, илмий ва илмий тадқиқотлар бўйича ҳам муҳим вазифалар белгилаб олинди.

«Ёш олимлар» кенгаши фаолиятини тубдан яхшилаш масаласи ҳам навбатдаги илмий кенгаш кун тартибига киритилди.

### КЕНГ ҚЎЛАМЛИ АХБОРОТ ТАРМОҒИ

Ўзбекистон Фанлар академиясида янги ахборот тармоғининг ташкил топиши айни муддао бўлди. Замонавий электрон аппаратлар билан жиҳозланган бу иншоот фаолияти янада кенгайиб кетди.

«Ўзсайнет» деб ном олган электрон тармоқдан эндиликда академия илмий тадқиқот институтлари, республикамиздаги барча олий ўқув юртлари ҳамда бир неча йирик нотижорат ташкилотлар фойдаланмоқдалар.

Электрон лойиҳа академиянинг Асосий кутубхонаси билан ҳам боғланди. Бу эса зиё масканидаги компьютер тизими хизматини кенг йўлга қўйиш имконини берди.

Айни вақтда ахборот тармоғида қатор мамлакатларда фаолият кўрсатаётган электрон кутубхоналарнинг жамғармаларидан фойдаланиш учун ҳам қулайликлар юзага келди.

«Ўзсайнет» имкониятларини янада кенгайтириш тадбирлари кўрилмоқда.

### БАДИИЙ ТАЪЛИМ

Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий таълимнинг замонавий моделини ривожлантириш билан ҳам яқиндан туриб шуғулланмоқда. Академия таркибидаги академик лицей, касб-ҳунар коллежи, Ўзбекистон Миллий бадиий ва дизайн институтидан ташкил топган бутун бир мажмуада кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашнинг истиқболли режалари ишлаб чиқилди.

Бадиий таълимни давр талаблари асосида ташкил этиш мақсадида тасвирий санъат академик мактабини кенгайтириш тадбирлари ҳам кўрилди. Айни вақтда ўқитиш жараёнларини компьютерлаш, масофадан туриб ўқитишни кенг йўлга қўйишга киришилди.

Академия олимлари бадиий таълим бўйича ўзбек тилида янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш билан ҳам шуғулланмоқдалар.

---




*Теннис*

### ШАРАПОВА -ЧОРАК ФИНАЛДА



Москвада давом этаётган теннис бўйича «Кремль Кубоги» турнирининг аёллар ўртасидаги мусобақалари мукофот жамғармаси 1,3 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Шу боис бўлса керак, ўйинлар қизғин курашлар остида ўтмоқда. Унда дастлабки чорак финалчи номи маълум бўлди. Жаҳон аёллар теннис таснифида биринчи рақамли ракетка устаси Мария Шарапова рақиби германиялик Анна-Лена Гренефельднинг оёғини қайириб олиб, ўйинни давом эттиролмаганлиги туфайли кейинги босқичга осонгина чиқди. Акс ҳолда Шараповага қийин бўлиши мумкин эди. Чунки Анна-Лена дастлабки икки сетда 6:1, 4:1 ҳисобида олдинда бораётганди.

Энди Шарапова чорак финалда ҳамюрти Динара Сафина ҳамда австралиялик Саманта Стосур ўртасида кечадиган баҳс ғолиби билан куч синашади.

Бошқа бир қизиқарли ўйинда Анастасия Мискина ҳамда Магдалена Малеева ўзаро рўбарў келди. Дастлабки сетни бой берган турнирнинг амалдаги ғолибаси кейинги икки сетда ташаббусни қўлдан бермади.

### ФЕДЕРЕР МАДРИДДА КОРТГА ТУШМАЙДИ



Кейинги ҳафтада Мадридда бошланадиган «Мастерс» туркумига кирувчи халқаро турнирда эркаклар ўртасида жаҳоннинг биринчи ракеткачиси Роджер Федерер қатнаша олмайди. Бунга унинг ўнг тиззасидан олган жароҳати сабаб бўлди. Мусобақа директори Манола Сантанининг билдиришича, Роджернинг ўзи унга телефон қилиб машғулот давомида жароҳат олганини айтган. Врачлар энди теннисчи Парижда ўтадиган турнирда ҳам қатнаша олмаслигини айтишмоқда.

*Хоккей*

### МУВАФФАҚИЯТСИЗ ДЕБЮТ



Миллий хоккей лигасининг «Атланта» ҳамда «Монреал Канадиенс» жамоалари ўртасидаги учрашувда россиялик Илья Ковальчук илк маротаба майдонга тушди. Дебют ўйин Илья учун муваффақиятсиз якунланди. Бу ўйинда унинг жамоаси 0:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Илья Ковальчук эса беш марта шайба ошириб, фойдалилик кўрсаткичи бўйича очко ололмади. Бунга қайсидир маънода «Монреал» дарвозасини илк марта қўриқлаган чехиялик Ян Дэнис ҳам сабабчи бўлди. У зарур паллада жамоаси жонига оро кирди.



---

### «Ишонч» фош этади

**Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида бензин бироз тортилиши билан катта йўл бўйларида конистр кўтарган «ҳожатбарор»лар пайдо бўлиб қолди. Улар ҳар литр бензинни ҳайдовчиларга 900-1000 сўмдан тиқиштиришади. Олмалиқ шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари Пиримкулов кўчаси бўйлаб рейд ўтказиб, улардан бир нечтасини қўлга туширдилар.**

# ЙЎЛ БЎЙИДАГИ «ҲОЖАТБАРОР»

«Ҳожатбарорлар»нинг бири Миразим Икромов эди. У давлат рақами 11S 6273 бўлган «Жигули» автомашинасининг юкхонасига териб қўйилган конистрлардаги 150 литр бензинни бемалол сотиб турган эди. Аҳоли гавжум жойларда тез аланга олувчи ёнилғи билан савдо қилиш тақиқланганлиги учун дарҳол ушбу ҳолат юзасидан далолатнома тузилиб, қонуний чора кўриш учун шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлимига юборилди.

Шу кўчада давлат рақами 11К 4020 бўлган «Волга» автомашинасида 70 литр бензинни конистрлаб сотиб турган Абдурашид Солихов фаолиятига ҳам чек қўйилди.

Шаҳар солиқ хизмати ходимларининг ҳушёрлиги билан яширин даромадга ружу қўйганлар биринкетин қўлга тушиб тегишли жазоларини олмоқдалар.

Яқинда Олмалиқ шаҳрига кириб келаётган давлат рақами 11Q 3371 бўлган «Тико» автомашинаси тўхтатилиб, назорат тартибида текширувдан ўтказилди. Шу жараёнда фуқаро Жумагул Ҳамроева 123 дона полиэтилен идишда 184 литр спиртни ноқонуний йўллар билан олиб келаётганлиги маълум бўлди. Машинада бундан ташқари 196 та шиша қопқоғи ҳам бор эди. Демак, спирт қўлбола арoқ тайёрлаб сотиш учун олиб кетилаётганди. Ушбу ҳолатлар бўйича тўпланган ҳужжатлар ўрганилиб, сохта тадбиркорга нисбатан жиноят иш қўзғатилди.

Солиқ хизмати ходимлари бу операцияни шаҳар ички ишлар бўлими ҳамда прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими билан ҳамкорликда амалга оширдилар. Бундай ҳамкорлик натижасида учарлар йўли тўсилди.

Шаҳарнинг 7/1 мавзесида 5-уйда истиқомат қилувчи Турсуной Хошимбоеванинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйишда ҳам ҳамкорлик қўл келди. У харидор Дониёр Тўйчиевга 10 шиша қўлбола ароқни 8500 сўмга сотаётган пайтида солиқчилар текширув эълон қилишди. Унинг уйидан яна 40 шиша қўлбола ароқ, 87 та қопқоқ, 265 та ёрлиқ, 234 та қалбаки акциз марка, ясама ароқ тайёрлашда фойдаланиладиган бир қатор воситалар далилий ашё сифатида олинди. Тўпланган ҳужжатлар ва далилий ашёлар асосида сохта тадбиркорга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Фуқаро Равиля Янгалиева устидан ҳам тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. У оҳангаронлик харидор Олим Алимовга 167 минг сўмлик акциз маркасиз сигареталарни сотиб турган пайтда қўлга тушди. Ўтказилган текширув давомида унинг хонадонидан яна 424 қути акциз маркали ва 1672 қути акциз маркасиз сигареталар далилий ашё сифатида олинди. Бу маҳсулотларни пулга чақсангиз 1,5 миллион сўмликдан кам бўлмайди.

Яширин иқтисодиётга қарши кураш давомида бир қатор қўлбола цехлар фаолияти тўхтатилаяпти. Шундай цехларнинг бири «Поёндоз» қўшма корхонасининг ошхонасида очилган бўлиб, қолипли нон ишлаб чиқариш билан машғул бўлган. Солиқ хизмати ходимлари цехга кириб келишганида ёлланган ишчилар Адҳам Хожиқулов, Дина Аминова ва Зуҳра Худоёрова қолиплардан нонларни эндигина олиб орқа эшикдан сотувга чиқаришаётган эди. Улар цехга ва ўзларига тегишли бирорта ҳам ҳужжат кўрсатиша олмади. Шу куни ноқонуний фаолият кўрсатаётган цех эшигига қулф осилди. 234,3 минг сўмлик нон, қолип ва бошқа воситалар далилий ашё сифатида олинди. Тўпланган ҳужжатлар асосида ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Умуман ўтган ойларда фуқароларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан 13 та жиноят иши очилди. Бундай нохуш ҳолатлар такрорланмаслиги учун аҳоли ўртасида солиқ қонунчилиги кенг тарғиб этилмоқда, савол-жавоб кечалари ва бевосита мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ҳалол тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар очилган ҳозирги пайтда айрим фуқароларнинг амалдаги қонун-қоидаларга зид хатти-ҳаракати таажжубланарли ҳол. Шундай экан ҳалол ишлаб, ҳалол яшайлик. Яширинча пул топаман деганлар, солиқдан ўзини четга олмоқчи бўлганлар охир-оқибат панд ейдилар.

**Ж.НОСИРОВ**

---

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 1 2 3 4 5 6